



USAID
AMERIKA XALQIDAN



МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН НОРМАТИВ ТУСДАГИ ҚАРОРЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ ЯҒОНА УСЛУБИЁТИ

Тошкент – 2024

УЎК:
КБД:

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан
норматив тусдаги қарорларини расмийлаштиришнинг ягона
услугиёти . – Тошкент. “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази,
2024 й. – 50 б.

ISBN

УЎК:
КБД:

Мазкур услугиёт АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)
орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдами асосида
яратилган. Услугиёт мазмуни бўйича маъсулият Chemonics
International га юклатилади ва USAID ёки АҚШ ҳукумати расмий
нуқтаи назарини акс эттириши шарт эмас.

ISBN

© “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2024 й.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ

I боб. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН
НОРМАТИВ ТУСДАГИ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ
ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар тушунчаси ва уни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари.....
- 1.2. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби ва босқичлари.....

II боб. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН НОРМАТИВ ТУСДАГИ ҚАРОРЛАРИГА
ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

- 2.2. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қарорлари лойиҳасининг матнига ва тузилишига доир талаблар
- 2.2. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қарорлари лойиҳасини юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришга доир талаблар

III боб. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН
АЙРИМ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ТУСДАГИ ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ
ҚИЛИШДА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЖИҲАТЛАРИ

- 3.1. Халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари маблағларини тасарруф этишга оид қарорларини қабул қилиш жараёнида эътибор бериши лозим бўлган масалалар.....
- 3.2. Халқ депутатлари Кенгашларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш якунлари бўйича қарорларини қабул қилиш жараёнида эътибор бериши лозим бўлган масалалар.....

КИРИШ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – давлат бошқаруви ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этиш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш, вакиллик органлари назоратини самарали ва таъсирчан механизмларини йўлга қўйиш, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш, шунингдек, ушбу соҳага оид тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилди.

Халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини долзарб масалаларни ҳал қилиш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан назорат функциялари кенгайтириш мақсадида уларга 10 дан ортиқ қўшимча ваколатлар берилди.

Бугунги кунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда 2020 йилда алоҳида котибиятлар ташкил этилганлигини самарасини республикаимиздаги 221 та маҳаллий вакиллик органларида фаолият олиб бораётган 6 минг 500 нафардан ортиқ депутатлар учун ташкилий, ахборот-таҳлилий, техникавий таъминлаб бориш ишларида кўришимиз мумкин.

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низом тўлиқ қайта ишлаб чиқилиб, янгидан тасдиқланди ва унинг асосида доимий комиссиялар таркиби қайта шакллантирилди.

2022 йилда вакиллик органлари фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, маҳаллий Кенгаш депутатлари билан фуқаролар ўртасида электрон мулоқотда рақамли технологияларни жорий этиш, норма ижодкорлиги фаолиятини соддалаштириш ва жадаллаштириш орқали қарорларни қабул қилиш ва эълон қилиш жараёнини самарали ташкил қилиш мақсадида “e-kengash.gov.uz” - комплекс электрон ахборот тизими синов

тариқасида татбиқ этилди ва ҳозирда уни тўлақонли электрон платформага айлантириш бўйича дастурий имкониятларини такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатлари, маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-бирдан ажратилганлиги эвазига ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий тамойилнинг маҳаллий даражада ҳам белгиланишига эришилди.

Шу боис ҳам, Бош қомусимизда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўз фаолиятини амалга оширишда кўмаклашиш ҳамда уларнинг қонунчиликка мувофиқ қарорларини қабул қилиш, мухтасар қилиб айтганда, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини “йўналтириб бориш” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколати сифатида белгиланди.

Янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мазкур қоидаларини турмушга фаол татбиқ этишда, мамлакатимиз демократик тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш талаб этилмоқда.

Таъкидлаш керакки, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида ҳам белгилаб олинган мақсадлар маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини халқимизнинг сиёсий иродасини ифода этувчи институтга айлантириш, ҳокимлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ваколатлари тақсимланишига асосланган давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг янги модели асосида йўлга қўйишни талаб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Олий Мажлиси Сенати томонидан ўтган давр мобайнида маҳаллий Кенгашларнинг фаолиятига оид 700 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, улардан 300 дан ортиқ функцияларини тизимлаштириш ва уларга хос бўлмаганини бекор қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳуқуқий инвентаризация натижасида ишлаб чиқилган таклифлар давлат ҳокимиятини маҳаллий даражада трансформация қилишга қаратилган сиёсий ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Мухтарам Президентимизни 2024 йил 2 февралдаги

маҳаллий Кенгашларнинг фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган ПФ–28-сонли Фармонида ўз аксини топди.

Фармон билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини янги модель – “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида ислоҳ қилишга қаратилган қатор қоидалар белгилаб берилди:

1) муҳим масалаларни ҳал этишда аҳоли фикрини инobatга олиш ҳамда вакиллик органлари ролини ошириш мақсадида таълим, экология, транспорт, инфратузилма каби йўналишлар бўйича жами 33 та ваколат Кенгашлар ихтиёрига ўтказилмоқда.

2) маълумки, қонунчилик бўйича маҳаллий Кенгашлар томонидан йилига 100 дан ортиқ ҳисобот ва ахборотларни эшитиш лозим эди. Бу эса иш юкламасини сунъий равишда ошириб, муҳим ваколатларни номигагина амалга оширишга сабаб бўлаётганди;

Масалан, Кенгашга ички ишлар органи раҳбари ҳам, унинг ўринбосари ҳам, профилактика инспектори ҳам алоҳида ҳисобот бериши белгиланганди. Ёки бўлмаса ҳоким ва унинг ўринбосарларининг 7 турдаги ҳисоботларини эшитиш кўзда тутилганди.

Энди маҳаллий Кенгашлар зиммасидаги ваколат ва функциялар мақбуллаштирилиб, Фармон билан Кенгашлар олдида ҳудудий давлат органларининг фақатгина биринчи раҳбарлари ҳисобдорлиги белгиланмоқда. Бу эса раҳбарларнинг масъулиятини ошириш билан бирга, Кенгашларни ҳам ортиқча иш юкламасидан озод қилади.

3) қонунчилик ҳужжатларидаги 100 дан ортиқ ваколатлар маҳаллий Кенгаш ва ижроия ҳокимияти ўртасида аниқ тақсимланиши белгиланган.

4) маҳаллий Кенгашларнинг ўз фаолиятини бошқа давлат ҳокимияти органларидан мустақил равишда амалга ошириши кафолатланмоқда. Хусусан:

- маҳаллий Кенгашлар зиммасига вазифа ва функциялар фақатгина қонун ҳужжатлари билан юкланиши;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш

жараёнида вазифаларни вакиллик ва ижро ҳокимияти ўртасида аниқ кўрсатилиши белгиланди.

5) белгилаб олинган минимал талаблар асосида маҳаллий Кенгашларни алоҳида бино билан таъминлаш бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

Шу билан бирга, ушбу соҳада белгиланган мазкур кенг кўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши маълум даражада ўтган йилларда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида шаклланган ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек, норма ижодкорлиги жараёни сифатига боғлиқ.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан қарорларни қабул қилишда қонунчиликка риоя этиш борасида қатор тизимли хатоликларга йўл қўйилаётганлиги, ҳаволаки ва умумий тўсдаги нормалар белгиланиб келаётганлиги, амалга оширишнинг муайян механизми бўлмаганлиги боис, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар юзага келишига ҳамда айрим қарорларни ижросиз қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қонунчилик ҳужжатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, келишиш, қабул қилиш, эълон қилиш бўйича умумий талаблар белгиланган бўлсада, бироқ айнан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан қарорлар қабул қилишнинг ягона методологияси, яъни бу борада эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар, хато-камчиликларга йўл қўймаслик чоралари акс эттирилган қўлланма шу кунга қадар ишлаб чиқилмаган.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинадиган қарорлар тегишли ҳудуддаги барча ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий тўсга эгалиги жиҳатидан ҳам бу борада ягона методологияни ишлаб чиқиш заруратини олдимизга қўймоқда.

Шундан келиб чиқиб, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) нинг ҳар томонлама қўмак ва қўллаб-қувватлаш натижасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан норматив – ҳуқуқий ҳужжат тусига эга қарорлар қабул қилишнинг ягона методологияси ишлаб чиқилди.

Мазкур ягона методология маҳаллий Кенгашлари томонидан қарорлар қабул қилиш жараёнини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини учраётган муаммоларни қонунчилик нормаларига асосланган ечимларига оид мисоллар билан ифода этилган қоида, тавсия ва кўрсатмаларни умумлаштириш бўйича илк бор ўриниш ҳисобланади.

Ўйлаймизки, ягона методологияда берилган қоидалар ва тавсиялар нафақат маҳаллий Кенгашлар депутатлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъул ходимлари, умуман маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига доир билим ва савиясини ошириш истагида бўлган барча фуқаролар учун фойдали бўлиб ҳисобланади.

I бoб. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН НОРМАТИВ ТУСДАГИ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар тушунчаси ва уни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан худдадаги фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ва ўз ваколатларига берилган бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан қабул қилинадиган қарор тушунчасига расмий ҳуқуқий таъриф берилмаган бўлсада қарорлар қабул қилишга оид нормалар мазмунидан келиб чиқиб, унга қуйидагича мазмунда таърифлаш мумкин.

Халқ депутатлари Кенгаши қарори – ҳудудий давлат ҳокимияти вакиллик органи томонидан қонунчилик ҳужжатлари билан ўзига берилган ваколатлар доирасида умуммажбурий давлат кўрсатмаси сифатида муайян соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳужжатдир.

Шу билан бирга, халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қарорлар қабул қилиш борасида асосий нормаларни белгиловчи, жумладан қарор қабул қилиш ваколатини берувчи, ушбу ваколатни амалга ошириш тартибини ва босқичларини, қабул қилинадиган қарорга нисбатан қўйиладиган талабларни назарда тутувчи энг асосий норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида қуйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин:

I. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари	
1	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2	Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни;
3	Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни;
4	Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни
II. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорлари	
1	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятига доир намунавий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги КҚ-161–IV-сон қарори
2	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 31 июлдаги “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида” ги КҚ-360–IV-сон қарори;
3	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 8 апрелдаги “Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбаларини аниқлаш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги КҚ-331–IV-сон қарори;
4	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2023 йил 29 майдаги “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламентига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида” ги КҚ-510–IV-сон қарори.

5	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2024 йил 20 февралдаги “Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар)лар Кенгашлари томонидан вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар)лар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари раҳбарлари ҳисоботларини эшитишнинг намунавий тартиби тўғрисида”ги КҚ-687–IV-сонли Қарори;
6	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2024 йил 26 февралдаги “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тегишли судларнинг ахборотини эшитиш якунлари бўйича қабул қилинган қарорларини ўрганиш якунлари тўғрисида”ги КҚ-689–IV-сонли Қарори;
III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари	
1	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони;
2	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” Стратегияси тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон фармони;
3	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 2 февралдаги ПФ-28-сон фармони;
4	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарори;
5	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 15 мартдаги ПҚ-5025-сон қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари	
1	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 30 мартдаги 192-сон қарори;
2	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига “e-qaror” электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 22 июндаги 390-сон қарори.
V. Адлия вазирлигининг буйруқлари	
1	Адлия вазирининг 2021 йил 15 ноябрдаги 19-мх-сон буйруғи билан (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 18 ноябрда 3333-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш қоидалари

Шу билан бирга, халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қарорлар қабул қилиш борасида асосий нормаларни белгиловчи, жумладан қарор қабул қилиш ваколатини берувчи, ушбу ваколатни амалга ошириш тартибини ва босқичларини, қабул қилинадиган қарорга нисбатан қўйиладиган талабларни назарда тутувчи энг асосий норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида қўйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин:

1	Тегишли маҳаллий бюджетларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш, уларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш
2	Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини тасдиқлаш

3	Ҳокимни лавозимга тасдиқлаш, унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш
4	Конституция ва қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш

Конституциянинг 126-моддасига кўра, халқ депутатлари Кенгаши ва ваколатлари доирасида тегишли ҳудуддаги барча ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6-моддасида халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши қарорлар қабул қилиши назарда тутилган.

Ушбу моддага кўра, халқ депутатлари Кенгаши қабул қилган ҳамда чиқарган қарорлар имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради, башарти ана шу ҳужжатларда ўзга тартиб белгиланмаган бўлса. Халқ депутатлари Кенгашининг норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлари, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ депутатлари Кенгаши ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар вилоят, туман, шаҳар ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар билан биргаликда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу Қонуннинг 6-моддасига асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир тури бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 16-моддасида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши белгиланган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти юқори турувчи органларининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

1.2. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби ва босқичлари

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилар экан, бундай қарорларни қабул қилиш ва унинг босқичлари Қонун билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида қуйидагилар акс эттирилган:

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР			
тушунчаси	турлари	ўзаро юридик кучи ва нисбати	режалаштириш
ташаббус қилиш	тайёрлаш	экспертизадан ўтказиш	келишиш
қабул қилиш	эълон қилиш	ижросини таъминлаш	

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш) рўйхатга олиш ва эълон қилиш мазкур қарор билан тадиқланган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини “Е-қарор” электрон тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг тартибига мувофиқ амалга оширилади.

2021 йил 1 июлдан БОШЛАБ:

барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини (шу жумладан, **ХДФУ** қарорлари)

- ишлаб чиқиш
- қабул қилиш (чиқариш)
- келишиш
- рўйхатга олиш
- эълон қилиш

“Е-қарор” электрон тизими (кейинги ўринларда -ЭТ) **орқали амалга оширилиши белгиланган.**

Давлат сири ҳисобланган ва махфий маълумотларни ўз ичига олган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари лойиҳаларини “Е-қарор” ЭТ орқали қабул қилишга (чиқариш) **йўл қўйилмайди**

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига «Е-қарор» электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 22 июндаги 390-сон қарорига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, агар маҳаллий

АСОС:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига “е-қарор” электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 июндаги 390-сон қарори

Қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари махфий тоифага кирмайдиган ҳужжатлар лойиҳаларини мустақил равишда ушбу тоифага киритиш **ТАҚИҚЛАНАДИ**

АСОС:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 июлдаги 469-сонли қарори

вакиллик органлари фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларида қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва қабул қилиш учун мазкур Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, ушбу қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар қўлланилади.

ЧЕКПОИНТ!

Мазкур қўшимчалардан келиб чиқиб, ҳозирги кунда маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш ва эълон қилиш

«E-KENGASH» ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2021 йил 31 июлдаги “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги КҚ-360–IV-сон ва 2022 йил 20 сентябрдаги “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятига “Рақамли халқ депутатлари Кенгаши” комплекс ахборот тизимини татбиқ этиш тўғрисида”ги КҚ-407–IV-сон қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига “e-qaror” электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 22 июндаги 390-сон қарорининг 2-илоvasида кўрсатиб ўтилган тартиб талабларидан келиб чиқиб, маҳаллий Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини “E-kengash” ЭТ орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш, рўйхатга олиш ва эълон қилиш тартиб-таомиллари қуйидаги асосий босқичлар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комис- сиялари	• халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарори лойиҳасини тайёрлашни режалаштириш; • халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари йиллик иш режаларига мувофиқ; • ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш талаб қилинадиган муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш яқунлари бўйича амалга оширилади.	Иш режада белгиланган муддатларда Заруратга кўра
2-босқич	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комис- сиялари	• Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш; • зарур ҳолларда, масалаларни тайёрлаш ва уларни пухта ишлаб чиқиш учун маҳаллий Кенгаш депутатларидан, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ННТ, мутахассислар ва экспертлардан иборат ишчи гуруҳлар тузиш; • зарур бўлган материалларни ва ахборотни тўплаш; • кўриб чиқиладиган масалани тартибга солишнинг (ма- салан, имтиёзларни белгилашнинг ҳамда маблаглар ажратишнинг) мақсадга мувофиқлигини ўрганиш; • ўзининг мажлис муҳокамасида билдирилган таклифларни кўриб чиқиш ва лойиҳани тайёр- лаш ҳақида қарор қабул қилиш;	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари Регламентига мувофиқ белгиланган муддатларда

			• қарор лойихасининг матнини тайёрлаш; • ҳуқуқий ва бошқа зарур экспертизани ўтказиш чораларни кўриш. • лойихани «E-kengash» электрон тизими (кейинги ўринларда — электрон тизим) орқали манфаатдор ташиклотлар билан келишиш учун юборади.	
3-босқич	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг масъул ўринбосари, манфаатдор ташиклотлар	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши	• қарор лойихани электрон тизим орқали иш юритувига қабул қилади ҳамда кўриб чиқади. • қарор лойихани электрон рақамли имзо қўйиш йўли билан келишади (виза қўяди) ёки зарурат бўлганда лойихани ишлаб чиқувчига электрон тизим орқали эътироз ва таклифлари кўрсатилган жавоб хатини киритади. • келишилган (виза қўйилган) қарор лойихани Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш котибиятига юборади.	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари Регламентига мувофиқ белгиланган муддатларда
4-босқич	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш котибияти		• қарор лойихани электрон тизими орқали иш юритувига қабул қилади ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти (мавжуд бўлса, маҳаллий вакиллик органи) юридик хизматига киритади. • қарор лойихани Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойихалари муҳокамаси порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштиради.	2 кун муддатда

			• Жамоатчилик муҳокамаси якунлангандан сўнг қарор лойиха бўйича белгиланган тартибда хулоса тузади. • қарор лойихани электрон рақамли имзо қўйиш йўли билан келишади (виза қўяди) ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун ҳудудий адлия органларига белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда киритади.	
5-босқич	Ҳудудий адлия органи	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари Регламентига мувофиқ белгиланган муддатларда	• қарор лойихани электрон тизим орқали иш юритувига белгиланган тартибда қабул қилади. • қарор лойихани белгиланган тартибда ҳуқуқий (шу жумладан, коррупцияга қарши) экспертизадан ўтказиш, лойиха қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлса, хулоса беради ва бу ҳақда электрон тизим орқали Кенгаш котибиятини хабардор қилади. • қарор лойихаси бўйича эътирозлар мавжуд бўлса, уни Кенгаш котибиятига қайтаради.	Белгиланган муддатларда
6-босқич	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш котибияти		• адлия органининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда, лойихани халқ депутатлари Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқишга тайёрлаш учун электрон тизим орқали тегишли доимий комиссияга киритади ва бу ҳақда Кенгаш раисини хабардор қилади.	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари Регламентига мувофиқ белгиланган муддатларда

			• агарда қарор лойиҳа ҳудудий адлия органи томонидан эътироз билан қайтарилган бўлса, лойиҳани қайта ишлаб чиқади ҳамда ушбу қайта ишланган лойиҳани ҳудудий адлия органига белгиланган тартибда электрон тизим орқали киритади.	
7-босқич	Халқ депутатлари Кенгаши тегишли доимий комиссияси	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари Регламентига мувофиқ белгиланган муддатларда	• халқ депутатлари Кенгашининг навбатдаги сессиясида ҳокимликнинг таклифига мувофиқ қўшимча манбаларидан фойдаланиш масаласи тўғрисида доимий комиссия раиси ахборот беради. • Комиссия раиси ахборотидан сўнг маҳаллий сессия иштирокчилари кўриб чиқиладиган масалани муҳокама қилишга ўтадилар. • депутатлар мунозаралар билан чиқиши, ёки сессиянинг бошқа иштирокчиларига саволлар беришлари мумкин. • муҳокама якунлари бўйича маҳаллий Кенгаш депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилишади. • қабул қилинган қарорни имзолаш учун халқ депутатлари Кенгаши раисига электрон тизим орқали юборади.	

8-босқич	Халқ депутатлари Кенгаши раиси	• қарор лойиҳасини электрон рақамли имзо билан имзолайди, имзоланган ва махсус рақам билан ҳисобга қўйилган ҳужжатни электрон тизим бош саҳифасида автоматик тарзда эълон қилади. • имзоланган қарорни электрон тизим орқали масъул ижрочиларга етказиш учун Кенгаш котибияти муддирга юборади.	1 кун мuddатда
9-босқич	Халқ депутатлари Кенгаши котибияти	• имзоланган қарорни электрон тизим орқали қабул қилиб олади ҳамда шу тизим орқали ижрочи ва манфаатдор ташкилотларга етказилади. • имзоланган қарорни мажбурий тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий-веб сайтида эълон қилади.	1 кун мuddатда

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорлари лойиҳаларини режалаштириш

Xalq deputatlari Jizzax viloyati Kengashining
2024-yil 15-fevraldagi
VI-51-39-3-0-K/24 –son qaroriga
I-ilova


Xalq deputatlari Jizzax viloyat Kengashining 2024-yilga mo'ljallangan
ISH REJASI

№	Chora-tadbirlar nomi	Muddat	Axborot (hisobot) beruvchi organ	Ijro uchun mas'ullar, shundan:		Nazorat uchun mas'ul (Kengash raisi, rais o'rinbosari)
				Doimiy komissiyadan, partiya guruhidan	Kotibiyatdan	
I. Sessiyada ko'rib chiqishga kiritiladigan masalalar*						
a) <i>Budjet, mahalliy dasturlar, rejalarini ko'rib chiqish va tasdiqlash</i>						
1.	“Yoshlar va biznesni qo'llab-quvvatlash yili” davlat dasturida belgilangan ustuvor vazifalarni amalga oshirish bo'yicha chora-tadbirlar.	2024 yil fevral	Viloyat hokimi E.Saliev	Doimiy komissiya raislari N.Pardaev, E.Xolmatov, E.To'raqulov, A.Azimov, Sh.Umarov, A.Sattarov, N.Muxtorova, O.To'raqulov	Bosh mutaxassis A.Toshtemirov, A.Shaxarov, G.Pirnazarov	Kotibiyat mudiri N.Karimova
2.	Viloyatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish hamda ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirishga qaratilgan dasturlarga kiritilayotgan loyihalarni muhokama qilish.	2024 yil aprel	Viloyat hokimining birinchi o'rinbosari A.Mustanov	Mahalliy budjet, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish, investitsiyalar va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari bo'yicha doimiy komissiya raisi E.To'raqulov	Bosh mutaxassis G.Pirnazarov	Kotibiyat mudiri N.Karimova
3.	2025 yilgi budjetni ko'rib chiqish hamda tasdiqlash.	2024 yil noyabr-dekabr	Viloyat hokimi E.Saliev	Mahalliy budjet, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish, investitsiyalar va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari bo'yicha doimiy komissiya raisi E.To'raqulov	Bosh mutaxassis A.Toshtemirov	Kotibiyat mudiri N.Karimova

Checkpoints

Давлат тилидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан унинг бошқа тилдаги матни ўртасида тафовут бўлган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг давлат тилидаги матни қўлланилади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиб-таомили мураккаблаштирилишини ва тадбиркорларга янги мажбуриятлар юклатилишини, уларнинг жавобгарлигига оид янги чораларни белгилайдиган маҳаллий Кенгашлари қарорлари расмий эълон қилинган кундан камида уч ойдан кейин кучга киришини назарда тутиш лозим.



II БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН НОРМАТИВ ТУСДАГИ ҚАРОРЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

2.1. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар лойиҳасининг матнига ва тузилишига доир талаблар

kengash.gov.uz

VI-62-95-5-72-K/24



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ

ҚАРОРИ

2024-йил 26-август

VI-62-95-5-72-K/24

Қизилтепа тумани

Қизилтепа туман маҳаллий бюджетининг 2024-йил II chorak ijrosi to'g'risida

Tuman hokimligi tomonidan taqdim etilgan tuman mahalliy budjetining 2024-yil II chorak yakunlari bo'yicha ijrosi to'g'risidagi hisobotni ko'rib chiqib, O'zbekiston Respublikasi Byudjet kodeksining 27-, 148-moddalari, O'zbekiston Respublikasi "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi Qonunining 6-24-moddalariga asosan, xalq deputatlari tuman Kengashi

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. O'zbekiston Respublikasining 2023-yil 25-dekabrda "2023-yil uchun O'zbekiston Respublikasining Davlat budjeti to'g'risida"gi 886-sonli Qonuni hamda tuman molliya bo'lim mudiri J.Hojiyevning 2024-yil 31-iyuldagi 01-12-216/20-01-38/253-sonli xati ma'lumot uchun qabul qilinsin.

2. Tuman mahalliy budjetining 2024-yil I-chorak yakuni bo'yicha: daromadlarining bajarilishi 1-ilovaga muvofiq; xarajatlarning bajarilishi 2-ilovaga muvofiq; mahalliy byudjetning erkin qoldiq mablag'lari hisobidan yo'naltirilgan mablag'lar

3-ilovaga muvofiq; zaxira mablag'lari hisobidan yo'naltirilgan mablag'lar 4-ilovaga muvofiq; mahalliy byudjetga qarashli tashkilotlarning byudjet parametrlarini o'zgartirish bo'yicha xulosa 5-ilovaga muvofiq tasdiqlash taklifi ma'qullansin.

3. Mazkur qarorning ijrosini nazorat qilish tuman hokimining birinchi o'rinbosari (N.Hayitov) hamda xalq deputatlari tuman Kengashining Mahalliy byudjetni shakllantirish va ijro etish, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari bo'yicha doimiy komissiyasi (Sh.Islomov) zimmlariga yuklansin.

Sessiyada raislik qiluvchi



BOBOJONOV
ULUG'BEK
RAXIMOVICH

- Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти (кейинги ўринларда – Ягона услубиёт) билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 54-моддаси

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштиришга қўйиладиган асосий талаблар:

- юридик шаклнинг аниқлиги ва қатъийлиги;
- тилнинг раво ва тушунарли бўлиши;
- муносабатларнинг тегишли соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тўлиқлиги;
- ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг аниқлиги;
- синовдан ўтган атамалар, тушунчалар ва ифодалардан фойдаланиш;
- нормалар таърифининг мумкин қадар аниқлиги ва лўндалиги;
- ҳуқуқий кўрсатмаларни баён этиш шакли, тузилиши ва усуллариининг бир хиллиги, ягоналиги;
- қонунчилик техникаси қоидаларига риоя этилиши.

Қарор лойиҳасининг матнини тузишда риоя этилиши лозим бўлган талаблар:

- лўнда
- оддий ва раво тилда
- турлича шарҳлаш ва талқин-ларга олиб келмаслиги
- жумлалари расмий тил услуби
- юридик атамалар фойдаланилган ҳолда
- жумлаларнинг соддалиги ва қисқалиги
- грамматика қоидалари
- имло қоидалари
- пунктуация қоидалари
- таърифнинг аниқлиги
- баён этишнинг тизимлилиги ва кетма-кетлиги

- Қонунчиликда мавжуд бўлмаган тушунча ва атамалар, техникавий ва бошқа махсус тушунчалардан фойдаланилганда уларнинг таърифлари берилади

- Умум қўлланиладиган тушунчаларга таъриф бериш талаб этилмайди.

- Тушунчанинг ёки атаманинг таърифи унинг мазмунини тўлиқ очиб бериши керак. Тушунчани ёки атамани айнан шу тушунчанинг ўзи ва атама орқали, шунингдек ўзи таърифланиши лозим бўлган бошқа тушунча ва атамалар орқали таърифлашга йўл қўйилмайди.

- Қарор лойиҳасида кўп маротаба қўлланилган уч ва ундан ортиқ тушунчага таъриф бериш зарурати бўлганда, улар алоҳида бандда кўрсатилади ва лойиҳа матнининг бошида келтирилади.

- Қарор лойиҳасида, қоида тариқасида, ҳудди шундай юридик кучга эга бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатда кўрсатилган хуқуқий нормалар қайта тақрорланмайди.

- Зарур бўлганда, қарор лойиҳасида юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айрим қоидалари мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда акс эттирилади.

Қарор лойиҳаси билан тасдиқланиши кўзда тутилаётган


- низом
- тартиб
- йўриқномалар

- бўлимлар
- кичик бўлимлар
- боблар
- параграфлар
- бандлар
- кичик бандлар
- хатбошилар

Қарор лойиҳасига илова қилиниши мумкин

- талаблар
- рўйхатлар
- жадваллар
- графиклар
- бланклар намуналари

- тарифлар
- хариталар
- схемалар
- тузилмалар

[illegible]

Қуйидагиларни қўлланилишига йўл қўйилмайди:

- оғзаки нутқ шакллари
- давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар мавжуд бўлган тақдирда, чет тиллари атамалари
- эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар
- аббревиатура ва қисқартмалар
- сифатлашлар
- мажозий таққослашлар ва киноялар

2.2. Халқ депутатлари Кенгашларининг қарорлари лойиҳасини юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришга доир талаблар

Лойиҳаларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва расмий эълон қилиш манбаларини кўрсатиш тартиби

“Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш Қоидалари” (кейинги ўринда – Қоидалар) нинг 3-параграфи

Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 18 ноябрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақам 3333

Ягона
услугиётнинг
3-боби

1-чи саҳифа юқори қисмининг ўнг бурчагида “Лойиҳа” сўзи қўйилади, матн шрифти ўлчами билан **бир** хил бўлиши лозим

саҳифанинг ўнг ҳошияси **2 см**;

Қарор лойиҳасининг матни **A4 форматда**;

2 ва **ундан ортиқ** саҳифада бўлса ҳар бир саҳифаси ва иловалари алоҳида рақамланади – 1,2,3,4....;

Қарор лойиҳаси, қоида тариқасида, Microsoft Word редакторида тайёрланади;

14 ўлчамли шрифт;

биринчи саҳифада **1 рақами қўйилмайди**;

юқори ҳошияси **2 см**

саҳифанинг чап ҳошияси **3 см**

биринчи қаторнинг сатр бошиси **1,27 см**;

қаторлар ўртасидаги интервал (множитель) **1**;

паст ҳошияси **2 см**

Матнинг ҳар бир қаторида қуйидагилар қолдирилмайди:

- сўзлар кўчирилмайди; - сонлар қисми;
- қатор охирида **“ва”, “ҳамда”** - аббревиатуралар.
ва ҳк. боғловчилар;
- “№” белгиси;

**III БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ
ТОМОНИДАН АЙРИМ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ
ТУСДАГИ ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЖИҲАТЛАРИ**

**3.1. Халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий
бюджетнинг қўшимча манбалари маблағларини тасарруф
этишга оид қарорларини қабул қилиш жараёнида эътибор
бериши лозим бўлган масалалар**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари (кейинги ўринларда қўшимча манба деб юритилади) маблағларини тасарруф этишга оид ҳуқуқни қўллаш амалиёти доимий равишда ўрганилиб келинмоқда.

Таҳлил натижалари ҳудудларда мазкур соҳада тизимли муаммолар ва ўз ечимини кутаётган масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

I. Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан махсус жамғармаларга ажратилиши лозим бўлган маблағлар қонунчиликда белгиланган миқдорларда ажратилмаяпти.

Жумладан, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Ташабусли бюджет”, янги иш ўринларини ташкил этишни рағбатлантириш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, болаларни соғломлаштириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини рағбатлантириш жамғармаларига маблағлар ажратиш паст миқдорда қолмоқда.

II. Маҳаллий Кенгашлар ва ҳокимлар қарорларини қабул қилиш тартиб-таомилларига амал қилинмаслик ҳолатлари мавжуд.

Айрим маҳаллий Кенгашларда қўшимча манбалари ҳисобидан маблағлар ажратиш юзасидан қабул қилинган қарорларни электрон тизимга жойлаштирмаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

III. Маҳаллий Кенгашлар томонидан қарор лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилмасдан тўғридан-тўғри ҳудудий адлия органларига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юборилганлик ҳолатлари мавжуд.

IV. Маҳаллий Кенгашлар қарорлари асосида сарфланган маблағлар ва ўз ҳудудида жами шаклланган қўшимча манбалардан сарфланган маблағлар ўртасидаги тафовутлар мавжуд;

V. Бюджет кодексида қўшимча манбалар маблағлари биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида сарфланиши белгиланган бўлса-да, ушбу талабга тўлиқ амал қилинмаяпти.

VI. Ҳокимлар томонидан Бюджет кодекси талабларига риоя этилмаяпти.

Бюджет кодексининг 126-моддасида маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалардан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишинча халқ депутатлари Кенгашлари томонидан ҳокимликларининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилиши мумкинлиги белгиланган.

Шу билан бирга, Бюджет кодексига асосан фавқулодда ва шунга ўхшаш ҳолларда ишлатилган маблағлар тўғрисида маҳаллий Кенгашга ҳисобот бериш шarti билан қўшимча манбаларни йўналтириш бўйича ҳокимлар қарор қабул қилиши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ, фавқулодда ва шунга ўхшаш ҳоллар бўлмасада, ҳокимлар томонидан қарор ўрнига фармойиш қабул қилиш ҳамда бу борада маҳаллий Кенгашга ҳисобот бермаслик амалиёти шаклланиб қолган.

Мазкур масалалардан келиб чиқиб, маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш(мблағ ажратиш) бўйича қарор қабул қилишда қуйидаги тартиботга риоя қилган ҳолда амалга ошириш тавсия этилади:

Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбаларидан фойдаланишга оид қарорларни қабул қилиш тартиботи	
1. Ҳокимлик томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашига бевосита алоқа хати ёки электрон алоқаси воситалари орқали қуйидагилар юборилади:	• имзоланган таклиф хати ва унинг иловалари; • ҳудудий Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги бошқармаси хулосаси; • ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси бошқармаси хулосаси; • маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирларни умумлаштирувчи комиссия хулосаси.
2. Халқ депутатлари Кенгашига келиб тушган таклиф хати:	• Кенгаш раиси томонидан Кенгаш котибияти мудирига топширилади • Кенгашкотибиятимудир Маҳаллийбюджет,иқтисодийислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияга ўз мажлисларида мазкур масалани мақсадга мувофиқлиги бўйича муҳокама қилиш учун йўналтиради. • дастлабки тарзда кўриб чиқиш маҳаллий Кенгаш раиси томонидан муносабат белгисида белгиланган муддатда амалга оширилади; • қоида тариқасида, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашининг навбатдаги сессия белиланган санасидан 10 кун олдин кўриб чиқилган бўлиши керак.

3. Халқ депутатлари Кенгаши тегишли доимий комиссияси	• ҳокимликнинг таклифини ўз мажлисида муҳокамасини ташкил этиш Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низом талаблари асосида амалга оширилади. Қўшимча манбалари ҳисобидан тадбирларга маблағ йўналтириш бўйича таклифини дастлабки тарзда кўриб чиқиш жараёнида: • Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари қарорларида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга; • Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатларда белгиланган тадбирларни молиялаштиришга; • тегишли ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида назарда тутилган тадбирларни молиялаштиришга; • маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларига етказилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар (қурилиш ва таъмирлаш ишлари билан бирга) бўйича кредитор қарздорликларни қоплашга; • жорий молия йили учун белгиланган айланма касса маблағларининг миқдорини тўлдиришга; • ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; • ҳудудларда йўл ва транспорт инфраструктурасини ривожлантириш;
---	---

	• сўв ва оқава сўв таъминотини яхшилаш билан боғлиқ харажатларга; • фавқулодда ҳолатлар, табиий офатларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ тадбирларини амалга оширишга; • қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа харажатларни қоплашга қаратилганлигини ўрганади;
4. Халқ депутатлари Кенгаши тегишли доимий комиссияси мажлиси муҳокамасидан сўнг	• ҳокимликнинг таклифи асосида қўшимча манбаларидан фойдаланиш масаласи юзасидан маҳаллий Кенгашнинг қарори лойиҳасини тайёрлайди ва Кенгаши котибиятига юборади.
5. Қўшимча манбаларидан фойдаланишга оид маҳаллий Кенгашнинг қарори лойиҳасида қуйидагилар акс эттирилиши лозим:	• маҳаллий бюджет қўшимча манбаларидан фойдаланиш юзасидан ҳокимликнинг таклифи маъқулланиши; • иқтисодиёт ва молия бошқармаси ҳудудий тузилмасига қўшимча манбаларидан маблағлар ажратиш юзасидан топшириқлар белгиланиши; • бир йилда камида икки мартаба бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг қўшимча манбалар ҳисобидан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини тақдим этиши; • ҳудудий таъназчилик бошқармасига харидларни амалдаги қонунчилик талабларига амал қилиниши устидан, ҳудудий давлат молиявий назорат бошқармасига ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатиши;

	• қарор ижросини назорати тегишли доимий комиссия раисига юкланиши.
6. Халқ депутатлари Кенгаши котибияти	• Қарор лойиҳасини келишув учун электрон тизим орқали: – тегишли доимий комиссия раисига – маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органидаги масъул ўринбосарига – тегишли молия бошқармаси (бўлими) раҳбарига – юридик хизмат масъул ходими – таҳрирлаш хизмати масъул ходимларига киритади. • Қарор лойиҳаси идоравий келишув тартиб-таомиллари тугатгандан сўнг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун 10 кун муддатга электрон тизимга жойлаштирилади (жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириладиган маблағлар бундан мустасно). • жамоатчилик муҳокамаси якунлангандан сўнг лойиҳа бўйича белгиланган тартибда хулоса тузади. • маҳаллий Кенгаш қарори лойиҳаси, қоида тариқасида, уч кундан кўп бўлмаган муддатда ҳудудий адлия органига тегишли экспертизалардан ўтказиш учун топширилади. • қарор лойиҳасини электрон тизим орқали иш юритувига белгиланган тартибда қабул қилади. • қарор лойиҳасини белгиланган тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, лойиҳа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлса, хулоса беради ва бу ҳақда электрон тизим орқали халқ депутатлари Кенгаши котибиятини хабардор қилади..

	• қарор лойиха бўйича эътирозлар мавжуд бўлса, лойихани халқ депутатлари Кенгаши котибиятига қайтаради. • адлия органининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда, лойихани халқ депутатлари Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқишга тайёрлаш учун доимий комиссия раисига киритади ва бу ҳақда Кенгаш раисини хабардор қилади. • агарда қарор лойиха ҳудудий адлия органи томонидан эътироз билан қайтарилган бўлса, лойихани қайта ишлаб чиқади ҳамда ушбу қайта ишланган лойихани ҳудудий адлия органига белгиланган тартибда электрон тизим орқали киритади.. • халқ депутатлари Кенгашининг навбатдаги сессиясида ҳокимликнинг таклифига мувофиқ қўшимча манбаларидан фойдаланиш масаласи тўғрисида доимий комиссия раиси ахборот беради. • Комиссия раиси ахборотидан сўнг Кенгаш раиси рухсати билан маҳаллий сессия иштирокчилари кўриб чиқиладиган масалани муҳокама қилишга ўтади. • депутатлар мунозаралар билан чиқиши, ёки сессиянинг бошқа иштирокчиларига саволлар беришлари мумкин. • муҳокама яқунлари бўйича маҳаллий Кенгаш депутатлари умумий соннинг кўпчилик овози билан қарор қабул қилишади. • қабул қилинган қарорни имзолаш учун халқ депутатлари Кенгаши раисига электрон тизим орқали юборади.
8. Халқ депутатлари Кенгаши котибияти	
9. Халқ депутатлари Кенгаши тегишли доимий комиссияси	

10. Халқ депутатлари Кенгаши раиси	• қарор лойихасини электрон рақамли имзо билан имзолайди, имзоланган ва махсус рақам билан ҳисобга қўйилган ҳужжатни электрон тизим бош саҳифасида автоматик тарзда эълон қилади. • имзоланган қарорни электрон тизим орқали масъул ижрочиларга етказиш учун Кенгаш котибияти мудирига юборади. • имзоланган қарорни электрон тизим орқали қабул қилиб олади ҳамда шу тизим орқали ижрочи ва манфаатдор ташкилотларга 1 кун муддатда етказилади. • оланган қарорни мажбурий тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий-веб сайтларида эълон қилади.
11. Халқ депутатлари Кенгаши котибияти	

Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағлардан фойдаланиш юзасидан қарор қабул қилишда:

- давлат харидларини белгиланган тартибда амалга оширмаслик
- такрорий (параллел) лойиҳалаштириш
- шаклланган қўшимча манбалардан ортқича миқдорда маблағ ажратиш

ТАҚИҚЛАНАДИ ВА БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИНИ БУЗИШ ҲИСОБЛАНАДИ

3.2. Халқ депутатлари Кенгашларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш якунлари бўйича қарорларини қабул қилиш жараёнида эътибор бериши лозим бўлган масалалар

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти очиқлигини таъминлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан прокуратура ва ички ишлар органларининг фаолияти устидан депутатлик назорати таъсирчанлигини ошириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида тегишли ҳудудлардаги прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш амалиёти ўрганиб келинмоқда.

Хусусан, 2023 йил давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан 461 маротаба прокуратура органлари ва 1 117 маротаба ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилган ҳамда ушбу масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган.

Шу билан бирга, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида аниқ тартиб- таомиллар жорий этилмаганлиги натижасида прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишда ҳудудларда қатор салбий ва тизимли камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

I. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳисоботини эшитиш бўйича турлича амалиёт шаклланган бўлиб, бу борадаги ишлар амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ тизимли равишда йўлга қўйилмаган.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ҳар йили тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиши лозимлиги белгиланган.

Бироқ Деҳқонобод, Касби, Яккабўғ, Миришкор, Конимех, Қўшрабод, Бувайда, Мирзаобод, Ёзёвон, Риштон, Ҳазорасп,

Боғот, Урганч туманлари ва Хива, Урганч, Хонобод шаҳарлари прокурорлари томонидан 2023 йилда ўз фаолияти бўйича ҳисобот тақдим қилинмаган.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига кўра туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳар чоракда (йилига 4 маротаба) маҳаллий Кенгашларга ҳисобот бериши назарда тутилган бўлсада, ҳудудий ички ишлар органлари томонидан ҳам бу борада камчиликларга йўл қўйилган.

Масалан, Китоб, Қизириқ, Паркент, Бувайда, Ёзёвон, Хива, Янгибозор туманларида ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳисоботи умуман эшитилмаган бўлса, Арнасой, Дўстлик, Фориш, Чироқчи, Оқолтин, Қумқўрғон, Бўка, Оҳангарон, Янгийўл, Риштон, Сўх, Фарғона, Хонқа, Улуғнор туманлари ва Урганч шаҳрида 1 мартадан уларнинг ҳисоботи эшитилган.

Шу билан бирга айрим маҳаллий Кенгашларда ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳисоботлари Қонунда белгилангандан кўп, яъни 5 мартадан 12 мартагача эшитилиш ҳолатлари мавжуд.

II. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қонунчиликка асосан маҳаллий Кенгашларга ҳисобот бериши белгиланган бўлсада, айрим ҳолларда прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳисобот эмас, балки ахборот тақдим этиб келинган.

Хусусан, 126 та ҳолатда ҳудудий прокурорларнинг, 55 та ҳолатда ички ишлар органлари раҳбарларининг ахбороти эшитилган.

III. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўз фаолияти бўйича ҳисоботи билан ушбу орган раҳбарларининг секторлар фаолиятига доир ахбороти бир-бирига аралашиб кетмоқда.

IV. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳисоботларидаги маълумотлар етарли даражада таҳлил қилмасдан, қабул қилинган қарорларда асосан умумий масалалар назарда тутилмоқда.

Шу нуқтаи назардан халқ депутатлари Кенгашларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларининг ҳисоботини эшитишга доир фаолиятида дуч келаётган муаммоли масалаларни ҳал этиш юзасидан ишлаб чиқилган услубий тавсиялар таклиф этилмоқда.

№	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1.	Худудий прокуратура органи	Худудий прокурор томонидан фоолиятига доир имзоланган ҳисоботи маҳаллий Кенгашга тақдим этилади.	ҳар йили навбатдаги йил биринчи ойининг сўнги иш кунига қадар
2.	Ички ишларнинг худудий таркибий тузилмалари (бош бошқармалар, бошқармалар, бўлимлар)	Тегишли ҳудуд ички ишлар органининг раҳбари томонидан имзоланган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида, жамоат хавфсизлиги юзасидан ҳисобот маҳаллий Кенгашига тақдим этади: • вилоятлар даражасида; • туман ва шаҳарлар даражасида.	ҳар ярим йилда навбатдаги ярим йиллик биринчи ойининг сўнги иш кунига қадар ҳар чорақда навбатдаги чорак биринчи ойининг ун бешинчи санасига қадар
3.	Маҳаллий Кенгаш котибияти	• ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органининг ҳисоботи (кейинги ўринларда ҳисобот) маҳаллий Кенгаш котибиятида рўйхатга олинган кундан бошлаб тақдим этилган деб ҳисобланади; • Кенгаш котибиятида белгиланган тартибда рўйхатга олингандан сўнг маҳаллий Кенгаш раисига киритади.	1 кун муддатда
4.	Маҳаллий Кенгаш раиси	• ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органининг ҳисоботини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун Суд-ҳуқуқ ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияга (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) юборади; • бир вақтнинг ўзида ҳисоботини кўриб чиқиш ва тегишли таклифлар ишлаб чиқиш учун маҳаллий Кенгашнинг бошқа доимий комиссияларини жалб қилиши мумкин.	1 кун муддатда
5.	Комиссия	• Комиссия ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органининг ҳисоботини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун ўз юритиувига олади; • Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органининг ҳисоботини пухта таҳлил қилиш, тегишли материаллар ва ҳужжатлами сифатли тайёрлаш, уларнинг фаолиятида мунтазам учрайдиган камчиликларни бартараф қилиш,	Кенгаш раиси томонидан белгиланган муддатда, бироқ, ўн кундан ошмаслиги лозим

42	ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва иш усулларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳ тузиши мумкин; • ишчи гуруҳ таркибига маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳудудий давлат органлари, экспертлар, мутахассислар, ННТ ва ОАВ вакилларини киритиши мумкин. • ишчи гуруҳ фаолиятига Комиссия раиси раҳбарлик қилади.	
	Ишчи гуруҳ (агарда тузилган бўлса)	7 кун муддатда
6.	• ҳисobotини таҳлил қилади, ушбу масалага оид қабул қилинган Кенгаш қарорларини ижро ҳолатини ўрганади; • ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган зиммасига юкланган вазифалар самарали бажарилаётганлигини ва уларнинг фаолиятида юзага келаётган муаммоларни таҳлил қилади; • ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган фаолияти билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, халқ қабулхоналари, маҳаллий Кенгашга келиб тушган мурожаатлами таҳлил қилади; • ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган фаолияти билан боғлиқ маҳаллий ОАВларида эълон қилинган, Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштирилган материалларни таҳлил қилади ва энг долзарб материалларни саралаб олади;	

	• ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган фаолиятида мунтазам учрайдиган камчилик ҳамда ҳуқуқ-бузарликларга олиб келадиган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлами, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ва янги иш усулларини татбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади; • мавжуд материаллар ва ўрганиш натижалари асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ҳисobotи юзасидан Комиссияга эксперт хулосаларини тақдим қилади.	
7.	Комиссия	10 кун муддатда
	Комиссия мажлисида ҳисobotни кўриб чиқиш муддати ва тартиб-таомиллари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари	ҳисobotни кўриб чиқиш муддати ва тартиб-таомиллари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари

• маҳаллий Кенгаш раисига ҳисоботни кўриб чиқиш жараёни бўйича мунтазам равишда ахборот беради; • ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ҳисоботини эшитиш масаласини маҳаллий Кенгашнинг навбатдаги сессияси кун тартиби лойиҳасига киритиш чораларини кўради; • ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ҳисоботини эшитиш масаласи бўйича маҳаллий Кенгашнинг қарор лойиҳаларини тайёрлайди; • Кенгаш қарорининг лойиҳаси маромига етказилгандан (зарур бўлган ҳолларда, тегишли экспертизалардан ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилгандан) сўнг белгиланган тартибда зарур материаллар илова қилинган ҳолда кўриб чиқиш учун маҳаллий Кенгаш раисига тақдим этади.	Регламенти ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш бўйича намунавий тартибга мувофиқ амалга оширилади.
8. Маҳаллий Кенгаш раиси	Сессия мажлисида ҳисоботни кўриб чиқиш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари Регламентига мувофиқ амалга оширилади.

Ўз ҳисоботида:

9. Ҳудудий прокуратура органи	• фуқароламнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун ўстуворлигини таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш бўйича ҳудудий прокуратура органи зиммасига юкланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати; • ҳисобот йилидан аввалги йилдаги ҳудудий прокуратура органининг ҳисоботини кўриб чиқиш якунлари бўйича қабул қилинган маҳаллий Кенгаш қарорлари ижроси бўйича амалга оширилган ишлар; • ҳудудда жиноятчиликни таҳлил қилиш, қайси ҳудудларга биринчи навбатда эътибор берилиши, оналар ва болалар ўлимининг таҳлили, коррупцияга қарши курашиш соҳасида кўрилган чора-тадбирлар; • ҳудудий давлат органлари (молия, солиқ, қўриқ, таълим, соғлиқни сақлаш органлари ва бошқалар) томонидан қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати; • ҳудудий прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш, уларнинг фаолиятида мунтазам учрайдиган камчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларга олиб келадиган сабаб ва шарт-шароитлами бартараф этиш бўйича кўрилатган чоралар қамраб олиниши лозим.	Сессия мажлисида ҳисоботни кўриб чиқиш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари Регламентига мувофиқ амалга оширилади.
--------------------------------------	--	---

Ўз ҳисоботида:

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бўйича амалга оширилаётган ишлар;

- жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрилатётган чоралар;

- ички ишлар органининг аввалги ҳисоботлари бўйича қабул қилинган маҳаллий Кенгаш қарорлари ижроси ҳолати;

10. Худудий ички ишлар органи

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш мақсадида қилинган ишлар;

- ҳудудий ички ишлар органи фаолиятини такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш, уларнинг фаолиятида мунтазам учрайдиган камчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларга олиб келадиган сабаб ва шарт-шароитлами бартараф этиш бўйича кўрилатётган чоралар қамраб олиниши лозим.

Сессия мажлисида ҳисоботни кўриб чиқиш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари Регламенти ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш бўйича намунавий тартибга мувофиқ амалга оширилади.

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органининг ҳисоботидан сўнг кўриб чиқиладиган масалани муҳокамасига ўтишга рухсат беради.

11. Маҳаллий Кенгаш раиси

- депутатлар мунозаралар билан чиқиши, ёки сессиянинг бошқа иштирокчиларига саволлар беришлари мумкин.
- муҳокама якунлари бўйича маҳаллий Кенгаш депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилишади.

Сессия мажлисида ҳисоботни кўриб чиқиш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари Регламентида мувофиқ амалга оширилади.

- қабул қилинган қарорни имзолаш учун халқ депутатлари Кенгаши раисига электрон тизим орқали юборади.

12. Маҳаллий Кенгаш котибияти мудири

- Кенгаши раиси томонидан имзоланган қарорни электрон тизим орқали қабул қилиб олади ҳамда шу тизим орқали ижрочи ва манфаатдор ташкилотларга етказилади.

- имзоланган қарорни мажбурий тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органининг расмий-веб сайтида эълон қилади.

1 кун муддатда

**Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ҳисоботини кўриб
чиқиш ҳақидаги масала бўйича маҳаллий Кенгаш қарорининг
лойиҳасини ишлаб чиқишда эътибор бериши лозим бўлган
масалалар:**

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан уламинг зиммасига юкланган вазифалами амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида қисқача маълумотлар;
- қонунийликнинг ва жиноятчиликка қарши курашишнинг аҳволи;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликлар;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган фаолиятини янада такомиллаштириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашишни таъминлаш бўйича тавсиялар;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликлар бартараф этиш, уламинг зиммасига юкланган вазифалар бажарилишининг самарадорлигини ошириш ва илғор хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибаси асосида янгича иш усуллари жорий қилиш бўйича тавсиялар;
- қароминг ижро этилиши муддатлари ва бошқа масалалар баён этилади.
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисоботи маҳаллий Кенгаш қарорига илова қилинади.



XALQ DEPUTATLARI XATIRCHI TUMANI KENGASHINING

QARORI

2024-yil 2-aprel

VI-83-34-5-77-K/24

Xatirchi tumani

Tuman prokurori F.Norovning “Tumanda qonuniylikni mustahkamlash, fuqarolarning huquq va erkinliklarini muhofaza qilish, jinoyatchilik va huquqbuzarliklarning oldini olish” borasida 2024-yil 1-choragida amalga oshirilgan ishlar to’g’risida

Tuman prokurori F.Norovning “Tumanda qonuniylikni mustahkamlash, fuqarolarning huquq va erkinliklarini muhofaza qilish, jinoyatchilik va huquqbuzarliklarning oldini olish borasida 2024-yil 1-choragida amalga oshirilgan ishlar to’g’risida”gi axborotini eshitib, Xalq deputatlari tuman Kengashi

QAROR QILADI:

1. Tuman prokurori F.Norovning “Tumanda qonuniylikni mustahkamlash, fuqarolarning huquq va erkinliklarini muhofaza qilish, jinoyatchilik va huquqbuzarliklarning oldini olish borasida 2024-yil 1-choragida amalga oshirilgan ishlar to’g’risida”gi axboroti ma’lumot uchun qabul qilinsin.

2. Tuman prokurori F.Norovga:

- ijtimoiy va iqtisodiy qonunchilik ijrosi ustidan nazorat yo’nalishida nazorat ostidagi obyektlarda qabul qilingan huquqiy hujjatlarni har chorakda tizimli ravishda o’rganish ishlarini olib borish;

- aholini ijtimoiy himoya qilish, sog’liqni saqlash va ish haqini o’z vaqtida to’lanishi, aholi bandligi va turmush darajasini yaxshilash, tadbirkorlik subyektlarini, iqtisodiyotning real sektori bazaviy tarmoqlari korxonalarini qo’llab-quvvatlash, bank-moliya tizimida, bozor va kommunal sohalarda iqtisodiy islohotlarni yanada chuqurlashtirishga qaratilgan holda bu sohalarda yo’l qo’yilayotgan qonun buzilishlarni oldini olish va amalda bartaraf etish bilan bog’liq ahvolni sog’lomlashtirish, mazkur yo’nalishlardagi nazorat tadbirlarining sifatini oshirish;

- tuman prokuraturasi tomonidan voyaga yetmaganlarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlari himoyasini ta’minlash, ular o’rtasida nazoratsizlik, huquqbuzarlik va jinoyatchilikning oldini olish hamda profilaktika qilish borasidagi prokuror nazoratini takomillashtirish va samaradorligini yanada oshirish, voyaga yetmaganlar ishlari bo’yicha komissiya faoliyati ustidan tizimli nazorat olib borish;

- bozorlar va savdo komplekslari faoliyatini tartibga solishga qaratilgan qarorlari ijrosi yuzasidan aniqlangan kamchiliklarni bartaraf qilish choralari ko’rish;

**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ
ТОМОНИДАН НОРМАТИВ ТУСДАГИ ҚАРОРЛАРИНИ
РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ ЯГОНА УСЛУБИЁТИ**

Нашр учун масъуллар:

А. Мусаев, Ш. Абдуллаев, М. Ахмедов

Муаллифлар:

Т.Турсунов, Н.Ортиқов, Б.Донаев

Компьютерда саҳифаловчи:

Ж. Ғофуров

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лиц. AI № 032, 29.10.2019.

Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй.

Телефонлар: (99871) 233-28-18, (99871) 280-55-47

Веб сайт: www.adolatmarkazi.uz

e-mail: info@adolatmarkazi.uz

Босишга рухсат этилди 30.09.2024 й.

Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. «Calibri» гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи ***

Нашриёт ҳисоб табоғи ***. Адади *** нусха.

***-буюртма. Нархи шартнома асосида.